

## ШАРТНОМА № 1L/2022

Тошкент ш.

“06” январь 2022 йил

Бундан буён Буюртмачи деб аталувчи “Қарши халқаро аэропорти” масъулияти чекланган жамияти номидан унинг Низоми асосида фаолият юритувчи раҳбари **Kurbannazarov U.R.** бир тарафдан ва бундан буён Бажарувчи деб аталувчи “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси” номидан унинг Низоми асосида иш юритувчи бошлиғи **Ф.М.Салихов** иккинчи тарафдан куйидаги шартномани туздилар:

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартномага Буюртмачи лаборатория синов ишларини бажаришни топширади, Бажарувчи эса уларни бажаришни ўз зиммасига олади.

1.2. Буюртмачи юқоридаги мавзу бўйича аниқ бажариш керак бўлган ишларга мазкур шартномани бир қисми ҳисобланадиган топширик (1-илова) беради. Бажариладиган ишларни номлари ва унга қўйиладиган илмий-техник, иктисодий ва бошқа талаблар ҳамда ишни бажариш муддати ва топширик тугагандан сўнг расмийлаштириб топшириш керак бўлган ҳужжатлар рўйхати топширикда кўрсатилади.

### 2. ШАРТНОМА НАРХИ ВА ҲИСОБ–КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур шартнома бўйича Буюртмачи Бажарувчига шартнома нархини келишуви тўғрисидаги баённомага (2-илова) асосан бажариладиган ишларнинг қиймати қўшилган қиймат солиғисиз 35 000 000,00 (Ўттиз беш миллион) сўм қилиб белгиланди.

2.2. Шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 банк куни муддат ичида Буюртмачи, Бажарувчининг шахсий ғазна ҳисоб рақамига шартнома баҳосини 30% миқдорда 10 500 000 (Ўн миллион беш юз минг) сўм тўловини олдиндан ўтказишни ўз зиммасига олади.

2.3. Ишларнинг маълум босқичларининг баҳоси синов ишларининг аниқ турларига техник топшириқлар ва кўрсатилаётган хизматлар асосида аниқланади.

2.4. Буюртмачи бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси ва ҳисобварақ-фактурани имзолагандан сўнг 10 банк иш куни мобайнида Бажарувчига ҳақ тўлашни ўз зиммасига олади.

### 3. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Бажарилган ишларни қабул қилиш ва баҳолаш ишлари топширик талаблари асосида амалга оширилади.

3.2. Тадқиқот материаллари ва ҳужжатлари ШНК 01.03.01-20 да кўрсатилган ҳажмда ва тартибда Бажарувчи томонидан Буюртмачига топширилади.

3.3. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи, Буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан топширикда кўзда тутилган ҳужжатлар тўплами топширади.

3.4. Буюртмачи ўз навбатида ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида ишни кўриб чиқиши ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ёзма асосланган, камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

3.5. Топшириш ва қабул қилишда юзага келадиган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талаблари асосида ҳал этилади.

### 4. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

бажарувчига берилган техник топшириқларга кўра хизматлар кўрсатишни талаб қилиш;

шартномада кўзда тутилган шартлар асосида ва тартибда белгиланган нархни Бажарувчини ҳисоб рақамига ўтказиб бериш.

4.2. Бажарувчининг ҳуқуқлари:



буюртмачидан кўрсатилган хизматлар учун ушбу шартномада белгиланган тартиб ва ҳажмда аванс тўлови ва тўлиқ ҳисоб-китобни амалга оширилишни талаб қилиш;

#### 4.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

шартномада кўзда тутилган шартлар асосида ва тартибда тўловни амалга ошириш; буюртмачи ишни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материаллар Бажарувчининг сўрови асосида тақдим қилади;

ишларни бажариш жараёнида шартномада кўрсатилган бажарилиши лозим бўлган ишларни амалга ошириш учун Бажарувчига зарур шарт- шароитларни яратиб беради;

бажарувчининг розилигисиз шартнома бўйича бажарилган ишларни, маълумотларни учинчи шахсга бермаслик ва тарқатмаслик.

#### 4.4. Бажарувчининг мажбуриятлари:

ишларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган тартиб ва қоидаларга, ҳамда топшириқда кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда тўлиқ ҳажмда бажариш;

буюртмачига шартномада кўрсатилган муддатда ишларни топшириш.

### 5. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундан қисман ёки бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек Ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутоносиб равишда узайтирилади.

### 6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бажарувчи хизматларни бажармаганда, ёки ўз вақтида бажармаган тақдирда, Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун бажарилмаган хизматларнинг ёки кечиктириб бажарилган хизматлар суммасининг 0,5% миқдорида пеня тўлайди, лекин бунда ҳисобланган пенянинг суммаси бажарилмаган хизмат ёки кечиктириб бажарилган хизмат суммасининг 50% ортиқ бўлмаслиги лозим.

6.2. Буюртмачи тўловни ўз вақтида амалга оширмаганда ёки кечиктириб амалга оширганда Бажарувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,4% миқдорида пеня тўлайди, лекин бунда ҳисобланган пенянинг суммаси муддати ўтиб кетган ёки кечиктирилган тўлов суммасининг 50% ортиқ бўлмаслиги лозим.

6.3. Тарафлардан бири ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлик учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

### 7. МАХФИЙ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ

7.1. Ишлар бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи махфий ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишининг олдини олиш мақсадида тегишли тадбирлар ва чоралар кўради.

### 8. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

8.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

8.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

8.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабалар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз,



устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

8.4. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:

а) назорат қилувчи органлардан солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга хилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазйик ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

8.5. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьютерлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт:

- коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

- улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

- улардан фақат тарафнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;

- уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

8.6. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйик ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

8.7. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама



тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

## 9. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Шартноманинг бажарилишида юзага келиши мумкин бўлган барча баҳс ва келишмовчиликлар томонлар орасида музокара йўли билан ҳал этилади.

9.2. Тарафлар ўртасида юзага келадиган барча низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ даъвогар жойлашган манзилдаги Иқтисодий судда ҳал қилинади.

## 10. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

10.1. Шартноманинг маълум шартларини ўзгартириш зарур бўлса, ушбу шартномага тарафлар томонидан қўшимча келишувлар тузилади.

10.2. Мазкур шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йилнинг 31 март кунига қадар амал қилади. Ишнинг бошланиш вақти аванс тўланган сана ҳисобланади.

Ишларни тўлиқ бажарилган ҳолда топшириш муддати – 31 март 2022 йил.

10.3. Ушбу шартномадаги барча иловалар ҳамда қўшимча келишувлари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

10.4. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлиб, икки нусхада ўзбек тилида тузилди.

**Илова:** 1. Техник топшириқ; 2. Лаборатория синов ишларини ўтказишга шартнома баҳосини келишув баённомаси.

## 11. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

### БАЖАРУВЧИ:

Ўзбекистон Республикаси Транспорт  
вазирлиги ҳузуридаги Йўл-қурилиш  
ишлари сифатини назорат қилиш  
инспекцияси

Манзили: Тошкент шаҳар, М.Улуғбек  
тумани, Мустақиллик кўчаси, 68 уй  
Тел.: (71) 268-93-20  
Ш/р: 4001 1086 0262 6970 4519 7104 001  
СТИР: 305 032 312  
Молия вазирлиги ғазначилиги  
Х/р: 23 402 000 300 100 001 010  
Банк коди: 00014 СТИР: 201 122 919  
ИФУТ: 84111

### БУЮРТМАЧИ:

“Қарши халқаро аэропорти” масъулияти  
чекланган жамияти

Манзил: 180 115, Қарши ш., Буюк Турон  
кўчаси, 3 уй.  
Тел/факс: 75-228-58-59  
Х/р: 2021 0000 1003 5472 8001  
Банк: ТИФ Миллий банк Қарши б.  
Банк коди: 00150 СТИР: 201 343 184  
ИФУТ: 52230  
ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтиш  
коди: 310010010174



Ф.М.Салихов

(имзо, муҳр)



Kurbannazarov U.R.

(имзо, муҳр)

А.Тўйчиев

Бош ҳисобчи:

Ф.Ғайфуллаев

**“Қарши халқаро аэропорти” МЧЖ аэродромининг учиш-қўниш йўлаги (ВПП), самолётлар ҳаракатлар йўлаклари №2,3,4 (РД) ва самолётлар турар жойларининг (перрон) сунъий қопламаларини ҳақиқий физик-механик ҳолатини лаборатория текширув йўли билан аниқлаш бўйича**

## **ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

**Учиш-қўниш йўлаги (ВПП), самолётлар ҳаракатлар йўлаклари №2,3,4 (РД) ва самолётлар турар жойларини (перрон) лаборатория текширув ишлари қуйидагилардан иборат:**

- аэродром элементларининг сунъий қопламаларининг дефект ва нуқсонларини визуал аниқлаш, ҳамда фотофикция қилиш;
- сунъий қопламаларга шикаст етказмасдан назорат қилиш асбоблар билан текширув ўтказиш;
- аэродром учиш қўниш йўлаги, юриб бориш йўлаклари (РД) ва тўхташ майдонлари конструктив қатламаларидан керн ва қирқим намуналар олиш;
- қўп қатламли асоснинг физик-механик хусусиятларини баҳолаш;
- ХК Б-787 самолётини ҳисобга олган ҳолда сунъий қопламаларнинг техник ҳолатини баҳолаш;
- аэродром элементларининг сунъий қопламаларини уларнинг келажакда хавфсиз эксплуатация қилиш нуқтаи назаридан кучайтириш ёки қайта тиклаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқариш;
- тадқиқот материаллари амалдаги норматив ҳужжатлар асосида, буюртмачига уч нусхада, электрон версия билан бирга тақдим этилади.

### **БАЖАРУВЧИ:**

Ўзбекистон Республикаси Транспорт  
вазирлиги ҳузуридаги Йўл-қурилиш  
ишлари сифатини назорат қилиш  
инспекцияси

**Ф.М.Салихов**

### **БУЮРТМАЧИ:**

“Қарши халқаро аэропорти” масъулияти  
чекланган жамияти

**Kurbannazarov U.R.**

